



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

2017 йил “12” август № 559

Тошкент ш.

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2017 йил 9 августдаги ПҚ-3183-сон қарори
ҳамда Ўзбекистон Республикаси Бош
вазирининг 2017 йил 9 августдаги
топшириқлари ижроси тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 9 августдаги “Олий таълим муассасаларида педагогика йўналишида махсус сиртқи бўлимларни ташкил этиш тўғрисида” ПҚ-3183-сон қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг 2017 йил 9 августдаги 07/1-1926-сон топшириқлари ижросини таъминлаш мақсадида

БУЮРАМАН:

1. Вазир ўринбосарлари, бошқарма ва бўлим бошлиқлари, ТДПУ, АндДУ, БухДУ, ГулДУ, ҚаршиДУ, НамДУ, СамДУ, ТерДУ, УргДУ, ФарДУ, ЖиззахДПИ, НавоийДПИ, НукусДПИ, ҚўқонДПИ ва ЧирчиқДПИ ректорларига Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 9 августдаги “Олий таълим муассасаларида педагогика йўналишида махсус сиртқи бўлимларни ташкил этиш тўғрисида” ПҚ-3183-сон қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг 2017 йил 9 августдаги 07/1-1926-сон топшириқлари ижро учун қабул қилинсин.

2. ТДПУ, АндДУ, БухДУ, ГулДУ, ҚаршиДУ, НамДУ, СамДУ, ТерДУ, УргДУ, ФарДУ, ЖиззахДПИ, НавоийДПИ, НукусДПИ, ҚўқонДПИ ва ЧирчиқДПИ ректорларига:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 9 августдаги “Олий таълим муассасаларида педагогика йўналишида махсус сиртқи бўлимларни ташкил этиш тўғрисида” ПҚ-3183-сон қарорида белгиланган топшириқлар ижросини таъминлаш чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

2017/2018 ўқув йили учун махсус сиртқи бўлимга ҳужжатларни қабул қилиш ва қабул жараёни ўтказиш мақсадида қабул комиссияларини ташкил этиш;

махсус сиртқи бўлимларнинг бакалаврият таълим йўналишларига қабулни ўрта махсус, касб-ҳунар маълумотига ҳамда камида уч йил педагогик амалий иш стажига эга бўлган, мактабгача, мактаб ва мактабдан ташқари таълим муассасалари эҳтиёжлари асосида тасарруфида ушбу таълим муассасалари мавжуд бўлган

вазирликлар ва идоралар томонидан бериладиган тавсияномага эга педагог кадрлар ҳисобидан амалга ошириш;

2017 йил 30 сентябргача 2017/2018 ўқув йили учун олий таълим муассасаларининг махсус сиртқи бўлимига 1-курсга талабаларни қабул қилиш юқори савияда ва адолатли ўтказилишини таъминлаш;

махсус сиртқи бўлимига қабул қилинган таълим йўналишлари бўйича ўқув режа, фан дастурлари ва ўқув адабиётларини тайёрлаш;

жорий йилнинг 5 сентябрига қадар бўлган муддатда декан мақоми берилган махсус сиртқи бўлим бошлиғини ўрнатилган тартибда тайинлаш;

махсус сиртқи бўлимига қабул қилинган талабаларга олий сиртқи таълимга оид тегишли низомлар ва тартиб-қоидаларни таништириш;

махсус сиртқи бўлим талабалари ўқишга киришда тавсиянома берувчи вазирлик ёки идора, олий таълим муассасаси ва талаба ўртасида ўқишни яқунлагандан кейин тавсиянома берган ташкилот йўлланмасида кўрсатилган иш жойида (таълим муассасасида) беш йилдан кам бўлмаган муддатда ишлаб бериш мажбурияти билан уч томонлама шартнома тузиш;

иккинчи ва ундан кейинги олий маълумот бериш сиртқи таълим шаклида ташкил этилганлиги, бунда иккинчи ва ундан кейинги олий маълумот олиш бакалавриат таълим йўналишининг 2-курсидан (ўқув режалардаги фанлар фарқидан қатъи назар) камида 3 йил муддат этиб белгиланганлиги ҳамда 2017/2018 ўқув йили учун махсус сиртқи ва сиртқи таълимларда ўқув жараёни истисно тариқасида жорий йилнинг 1 октябридан бошланиши белгилаб қўйилганлигидан келиб чиқиб ташкилий, ўқув ва услубий ишларни амалга ошириш;

махсус сиртқи бўлимларда дарс беришга юқори салоҳиятга эга профессор-ўқитувчилар таркибини шакллантириш вазифалари юклатилсин.

3. ТДПУ ректори (Ш.Шарипов)га:

таянч олий таълим муассасаси сифатида махсус сиртқи бўлим таълим йўналишлари бўйича малака талаблари, ўқув режалари ва дастурлари ҳамда ўқув ва ўқув-методик адабиётларни яратиш;

Университет ҳузурида ташкил этиладиган педагогика йўналишлари бўйича махсус сиртқи бўлимлар олий таълим муассасаларининг ўқув-методик фаолиятини Мувофиқлаштирувчи Кенгаш таркибини шакллантириш;

Мувофиқлаштирувчи Кенгашнинг қарорда белгиланган асосий вазифаларини амалга ошириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш вазифалари топширилсин.

4. Молиялаштириш ва бухгалтерия ҳисоби бошқармаси (С.Бузрукханов)га Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан биргаликда вазирлик тасарруфидаги олий таълим муассасалари томонидан тасдиқланган штатлар жадвали, даромадлар ва харажатлар сметасига тегишли ўзгартиришлар киритишни ва улар белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилишини таъминлаш вазифаси юклатилсин.

5. Кадрлар тайёрлаш ва олий таълим муассасаларини ташкилий-методик таъминлаш бош бошқармаси (Б.Ражабов)га икки ҳафта муддатда махсус сиртқи

бўлимларга қабул қилиш тартиби, мезонлари ҳамда тузиладиган уч томонлама шартнома шаклини ишлаб чиқиб, белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш бўйича Давлат комиссиясига киритиш учун тайёрлаш вазифаси топширилсин.

6. Бош ҳуқуқшунос (Р.Сулейманова) бошқарма ва бўлим бошлиқлари манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда икки ҳафта муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритиш ҳамда вазирлик томонидан қабул қилинган тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ушбу қарорга мувофиқлаштириш вазифаси юклатилсин.

7. Мазкур буйруқ ижросини назорати вазирнинг биринчи ўринбосари Д.Набиев зиммасига юклатилсин.

Вазир



И. Маджидов

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACISI
PREZIDENTINING

ҚАРОРИ



ПОСТАНОВЛЕНИЕ

PREZIDENTA
RESPUBLIKI UZBEKISTAN

Vazir
Mahkamasi

2017 йил 9 - август

№ ПҚ-3183

20

Олий таълим муассасаларида педагогика йўналишида махсус сиртки
бўлимларни ташкил этиш тўғрисида

Бугунги кунда халқ таълими тизимида жами 15359 та таълим муассасаси, жумладан 4893 та мактабгача таълим муассасаси, 9680 та умумий ўрта таълим мактаби, 23 та Меҳрибонлик уйи, 304 та болалар мусика ва санъат мактаби, 211 та "Баркамол авлод" маркази, 227 та болалар ва ўсмирлар спорт мактаби фаолият кўрсатмоқда. Уларда ўрта махсус, касб-хунар коллежларини ва билим юрларини битирган 97 564 нафар педагог кадрлар фаолият юритмоқдалар.

Мазкур таълим муассасаларининг мактабгача, бошланғич, мусика, тасвирий санъат, чет тиллари, меҳнат таълими, жисмоний тарбия йўналишлари ва бошқа фанлар бўйича олий маълумотли педагог кадрларга бўлган эҳтиёжларини қондириш, туманлар ва қишлоқ жойлардаги таълим муассасаларини юқори малакали педагог кадрлар билан таъминлаш ҳамда уларни тайёрлаш тизимини жойларда ташкил этишни янада такомиллаштириш орқали таълим сифатини яхшилаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликларининг 2017/2018 ўқув йилидан бошлаб олий таълим муассасаларида педагогика йўналишлари бўйича махсус сиртки бўлимларни ташкил этиш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

2. Педагогика йўналишлари бўйича махсус сиртки бўлимлар ташкил этиладиган олий таълим муассасалари рўйхати иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш бўйича давлат комиссиясига ушбу рўйхатга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳуқуқи берилсин.

3. Белгилаб қўйилсинки:

олий таълим муассасалари таркибида ташкил этилган махсус сиртки бўлимларнинг бакалаврият таълим йўналишларига қабул ўрта махсус, касб-хунар маълумотига ҳамда камида уч йил педагогика йўналишида таълим олувчиларига

Умумий бўлими
Қир. № 1-1926
« 09 » 08 2017 йил

10.08.2017

бўлган, мактабгача, мактаб ва мактабдан ташкари таълим муассасалари эҳтиёжлари асосида тасарруфидида ушбу таълим муассасалари мавжуд бўлган вазирликлар ва идоралар томонидан бериладиган тавсияномага эга педагог кадрлар ҳисобидан амалга оширилади;

махсус сиртки бўлимда ўқиш тўлов-контракт асосида амалга оширилади. Таълим йўналишлари бўйича битта талабани бир йиллик ўқитиш қийматини аниқлаш белгиланган тартибда амалга оширилади;

махсус сиртки бўлимда ўқиётган талабаларга имтиҳонлар, синовлар топириш, диплом, курс, лаборатория ва бошқа ўқув ишларини бажариш вақтида уларнинг оғлиқ маошлари асосий иш жойида сакланган ҳолда бир ўқув йилида икки марта бир ойдан ўқув таътиллари берилади. Бунда, ўқув таътиллари қонда тарикасида умумтаълим муассасаларидаги қишқи ва ёғи таътил вақтига тўғри келган даврда берилади ва уларга белгиланган тартибдаги йиллик меҳнат таътилларини бериш тартиби ҳам сакланиб қолади;

талабаларнинг олий таълим муассасасида ўқишда бўлган даврига тўғри келадиган дарс соатлари ўқишга юборган таълим муассасасининг ўқитувчилари (ҳодимлари) томонидан меҳнатга соатбай ҳақ тўлаш шартлари асосида ўтилади;

махсус сиртки бўлим талабалари ўқишга киришда тавсиянома берувчи вазирлик ёки идора, олий таълим муассасаси ва талаба ўртасида ўқишни яқунлагандан кейин тавсиянома берган ташкилот йўлланмасида кўрсатилган иш жойида (таълим муассасасида) беш йилдан кам бўлмаган муддатда ишлаб бериш мажбурияти билан уч томонлама шартнома тузилади;

махсус сиртки бўлимларда таълим йўналишлари хусусиятига қараб бир ўқитувчига тўғри келадиган талабалар сонини нисбати қонун ҳужжатларида белгиланган нормативлар асосида белгиланади;

олий таълим муассасасида махсус сиртки бўлим ўқув жараёнини ташкил этишга факультет декани мақомидаги бўлим бошлиғи раҳбарлик қилади.

4. Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш бўйича давлат комиссиясига 2017/2018 ўқув йили учун:

олий таълим муассасалари махсус сиртки бўлимларида ўқиш учун тавсиянома берувчи вазирликлар ва идоралар рўйхатини;

мактабгача, мактаб ва мактабдан ташкари таълим муассасалари эҳтиёжлари асосида вазирликлар ва идоралар томонидан берилган таъсилфларни инобатга олган ҳолда махсус сиртки бўлимларга қабул квоталарини;

махсус сиртки бўлимларга қабул қилиш тартиби ва мезонлари ҳамда уч томонлама шартнома шаклини тасдиқлаш ҳуқуқи берилсин.

Келгуси ўқув йилларига қабул квоталари олий таълим муассасалари учун белгиланган тартибда белгиланади.

5. Педагогика йўналишлари бўйича махсус сиртки бўлимлар ташкил этиладиган олий таълим муассасаларида иккинчи ва ундан кейинги олий маълумот бериш сиртки таълим шаклида ташкил этилсин, бунда иккинчи ва ундан кейинги олий маълумот олиш бакалаврият таълим йўналишининг 2-курсидан (ўқув режалардаги фанлар фарқидан қатъи назар) камидан 3 йил муддат этиб белгилансин.

2017/2018 ўқув йили учун махсус сиртки ва сиртки таълимларда ўқув жараёни истисно тартиқасида жорий йилнинг 1 октябридан бошлангичи белгиланган бўлисин.

6. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ва Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги 2017 йил 30 сентябрда:

2017/2018 ўқув йили учун олий таълим муассасаларининг махсус сиртки бўлимига 1-курсга талабаларни қабул қилиш юқори савияда ва адолатли ўтказилишини таъминласин;

олий таълим муассасаларининг махсус сиртки бўлимлари ташкил этилган таълим йўналишларининг ўқув режаси ва фан дастурларини тасдиқласин, шунингдек уларга мувофиқ фанларни ўқув адабиётлари билан таъминлаш чораларини кўрсин;

педагогика йўналишлари бўйича махсус сиртки бўлимларда дарс беришга юқори салоҳиятга эга профессор-ўқитувчилар таркибини шакллантирсин;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан биргаликда олий таълим муассасалари томонидан тасдиқланган штаплар жалвали, даромадлар ва харажатлар сметага тегишли ўзгаришлар киритишни ва улар белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилишини таъминласин.

7. Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети махсус сиртки бўлим таълим йўналишлари бўйича малака талабалари, ўқув режалари ва дастурлари ҳамда ўқув ва ўқув-методик адабиётларни яратиш бўйича таянч олий таълим муассасаси этиб белгилансин ва унинг ҳузурида педагогика йўналишлари бўйича махсус сиртки бўлимлар ташкил этилган олий таълим муассасаларининг ўқув-методик фаолиятини Мувофиқлаштирувчи Кенгаш ташкил қилинсин.

Қуйидагилар Мувофиқлаштирувчи Кенгашнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

махсус сиртки бўлимлар орқали умумтаълим мактаблари, мактабгача ва мактабдан ташкари таълим муассасалари учун педагог кадрлар тайёрлаш таълим мазмунини замонавий талабларга уйғун ривожлантирилишини таъминлаш ҳамда мазкур жараёнларга илмий-методик раҳбарликни амалга ошириш;

махсус сиртки бўлимлар ўқув жараёнларига ишгор хорижий тажриба, замонавий педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этишни ҳисобга олган ҳолда малака талабалари, ўқув режалари ва дастурларини тизимли равишда такомиллаштириб бориш;

махсус сиртки бўлимлар ўқув жараёнарига педагогика соҳаси олимлари ва мамлакатимизнинг етуқ мутахассислари жалб этилишини ташкил этиш;

педагогика соҳасининг долзарб илмий муаммоларини ҳал этишга йўналтирилган илмий изланишлар, жумладан фундамента, амалий ва инновацион тадқиқотлар олиб борилишини мувофиқлаштириш;

педагогик касбнинг жамиятдаги ўрни ва нуфузини ошириш, жумладан ёшларни ўқитувчилик касбига йўналтиришга қаратилган тадбирларни ташкил этиш;

махсус сиртки бўлимлар фавият олиб бораётган олий таълим муассасаларининг илмий-педагогик салоҳиятини ошириш, жумладан олий маҳакали илмий ва илмий-педагог кадрларни мақсадли тайёрлаш, худудлардаги олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва маҳакасини ошириш бўйича тизимли чора-тадбирларни амалга ошириш.

8. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва Молия вазирлиги 2017/2018 ўқув йилидан бошлаб Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети томонидан педагогика йўналишлари бўйича махсус сиртки бўлимлар ташкил этилган олий таълим муассасаларини зарур ўқув ва ўқув-методик адабиётлар билан таъминланишини молиялаштиришнинг аниқ чораларини курсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги бир ой муддатда махсус сиртки бўлимларга қабул қилиш тартиби, мезонлари ҳамда тузиладиган уч томонлама шартнома шаклини ишлаб чиқиб, белгиланган тартибда тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда:

конун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсинлар;

ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ушбу қарорга мувофиқлаштирсинлар.

11. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазир А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси А.Н. Юнусходжаев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш.Мирзиёев



Тошкент шаҳри

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2017 йил 9 август даги ПҚ-3183
қарорига илова

Педагогика йўналишлари бўйича махсус сиртки бўлимлар ташкил этиладиган олий таълим муассасалари руйхати

1. Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети
2. Андижон давлат университети
3. Бухоро давлат университети
4. Гулистон давлат университети
5. Қарши давлат университети
6. Наманган давлат университети
7. Самарканд давлат университети
8. Термиз давлат университети
9. Урганч давлат университети
10. Фаргона давлат университети
11. Жиззах давлат педагогика институти
12. Навоий давлат педагогика институти
13. Нукус давлат педагогика институти
14. Қўқон давлат педагогика институти
15. Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти

20 ____ - ____ - ____ № III-3183 9 - августа 2017 г.

Об организации специальных заочных отделений по педагогическим направлениям в высших образовательных учреждениях

На сегодняшний день в системе народного образования функционируют 15359 образовательных учреждений, в том числе 4893 дошкольных образовательных учреждений, 9680 общеобразовательных школ, 23 Домов милосердия, 304 детских музыкальных школ и школ искусств, 211 Центров "Баркаюл авлод", 227 детских и юношеских спортивных школ. В них осуществляются свою трудовую деятельность 97564 педагогических кадров, являющихся выпускниками средних специальных, профессиональных колледжей и учебных заведений.

В целях удовлетворения потребности этих образовательных учреждений в педагогических кадрах с высшим образованием по направлениям дошкольного начального образования, музыки и изобразительного искусства, иностранных языков, трудового обучения, физического воспитания и по другим предметам, улучшения качества образования путем совершенствования системы подготовки высококвалифицированных педагогических кадров на местах и обеспечения ими образовательных учреждений районов и сельских местностей:

1. Согласно с предложением Министерства народного образования, Министерства высшего и среднего специального образования, Министерства экономики, Министерства финансов Республики Узбекистан, а также Совета Министров Республики Каракалпакстан, хокимиятов областей и города Ташкента об организации, начиная с 2017/2018 учебного года, специальных заочных отделений по педагогическим направлениям в высших образовательных учреждениях.

2. Утвердить перечень высших образовательных учреждений, в которых организуются специальные заочные отделения по педагогическим направлениям, согласно приложению.

Предоставить право Государственной комиссии по приему в образовательные учреждения Республики Узбекистан вносить изменения и дополнения в настоящий перечень.

3. Установить, что:

прием на направления бакалавриата специальных заочных отделений, организованных в структуре высших образовательных учреждений, осуществляется

Базирлар Махкамасининг
Умумий бўлими

Қўр. № 1-1926
09.08.2017 йил

из числа лиц, имеющих среднее специальное, профессиональное образование, а также практический педагогический стаж работы не менее 3-х лет и рекомендации министерств и ведомств на основе потребностей подведомственных дошкольных, школьных и внешкольных образовательных учреждений в педагогических кадрах;

обучение на специальном заочном отделении осуществляется на платно-контрактной основе. Стоимость обучения одного студента в год по направлению образования определяется в установленном порядке;

студентам, обучающимся на специальном заочном отделении, во время сдачи экзаменов, зачетов, выполнения дипломных, курсовых, лабораторных и других учебных работ в течение учебного года, два раза по одному месяцу предоставляются учебные отпуска с сохранением заработной платы по основному месту работы. При этом, учебные отпуска, как правило, предоставляются в период зимних и летних каникул общеобразовательных учреждений, с сохранением также порядка предоставления им трудовых отпусков в установленном порядке;

учебные часы студентов в период их пребывания на учебе в высших образовательных учреждениях, проводятся преподавателями (сотрудниками) образовательных учреждений, направивших их на учебу, по условиям почасовой оплаты труда;

при поступлении на специальное заочное отделение, между министерством или ведомством, высшим образовательным учреждением и студентом составляется трехсторонний договор с обязательством отработки им сроком не менее пяти лет после завершения обучения на месте работы (в образовательном учреждении), указанного в направлении организации, предоставившей рекомендацию на учебу;

соотношение численности студентов на одного преподавателя на специальных заочных отделениях устанавливается на основе нормативов, определенных законодательством, исходя из специфики направлений образования; организацией учебного процесса на специальном заочном отделении в высшем образовательном учреждении руководит руководитель отдела со статусом декана факультета.

4. Предоставить право Государственной комиссии по приему в образовательные учреждения Республики Узбекистан на 2017/2018 учебный год утверждать:

перечень министерств и ведомств, рекомендующих на учебу в специальные заочные отделения высших образовательных учреждений;

квоты приема на специальные заочные отделения с учетом предложений министерств и ведомств на основе потребностей дошкольных, школьных и внешкольных образовательных учреждений;

порядок и критерии приема на специальные заочные отделения, а также форму трехстороннего договора.

Квоты приема на следующие учебные годы определяются в установленном для высших образовательных учреждений порядке.

5. В высших образовательных учреждениях, в которых организуются специальные заочные отделения по педагогическим направлениям, получение второго и последующего высшего образования организовывать в заочной форме обучения. При этом, определить получение второго и последующего высшего

образования со 2-го курса бакалавриата (независимо от разницы дисциплин в учебных планах) в срок не менее 3-х лет.

Началом учебного процесса в специальных заочных и заочных отделениях в 2017-2018 учебном году, в порядке исключения, определить 1 октября текущего года.

6. Министерству народного образования и Министерству высшего и среднего специального образования Республики Узбекистан в срок до 30 сентября 2017 года:

обеспечить проведение на высоком уровне и объективном приеме студентов на 1-курс специальных заочных отделений высших образовательных учреждений;

утвердить учебные планы и программы направлений образования специальных заочных отделений высших образовательных учреждений, а также принять меры по обеспечению их соответствующей учебной литературой;

сформировать высококвалифицированный профессорско-преподавательский состав для проведения занятий в специальных заочных отделениях по педагогическим направлениям;

совместно с Министерством финансов Республики Узбекистан внести соответствующие изменения в утвержденные высшими образовательными учреждениями платные расписания, сметы доходов и расходов, и обеспечить их регистрацию в установленном порядке.

7. Определить Ташкентский государственный педагогический университет им. Низами высшим образовательным учреждением по квалификационным требованиям, учебным планам и программам, созданию учебной и учебно-методической литературы для направлений образования специальных заочных отделений, а также создать при нём Координационный совет учебно-методической деятельности высших образовательных учреждений, в которых организованы специальные заочные отделения по педагогическим направлениям.

Определить основными задачами Координационного совета:

обеспечение развития содержания образования по подготовке педагогических кадров для общеобразовательных школ, дошкольных и внешкольных образовательных учреждений через специальные заочные отделения в соответствии с современными требованиями, а также осуществление научно-методического руководства данного процесса;

усовершенствование на системной основе квалификационных требований, учебных планов и программ с учетом внедрения передового зарубежного опыта, современных педагогических и информационно-коммуникационных технологий в образовательный процесс специальных заочных отделений;

организацию привлечения в учебный процесс специальных заочных отделений ученых в области педагогики и высококвалифицированных специалистов республики;

координацию научных исследований, направленных на решение актуальных научных проблем сферы педагогики, в том числе проведения фундаментальных, прикладных и инновационных исследований;

организацию мероприятий, направленных на повышение социального уровня и престижа профессии педагога в обществе, в том числе по профессиональной ориентации молодежи на профессию учителя;

реализацию системных мер по повышению научно-педагогического потенциала высших образовательных учреждений, в которых действуют специальные заочные отделения, в частности, по целевой подготовке научных и научно-педагогических кадров высшей квалификации, переподготовке и повышению квалификации педагогических кадров высших образовательных учреждений в регионах.

8. Министерству народного образования, Министерству высшего и среднего специального образования и Министерству финансов Республики Узбекистан, начиная с 2017-2018 учебного года, принять конкретные меры по финансированию мероприятий по обеспечению Ташкентским государственным педагогическим университетом высших образовательных учреждений, в которых организованы специальные заочные отделения по педагогическим направлениям, необходимой учебной и учебно-методической литературой.

9. Министерству высшего и среднего специального образования Республики Узбекистан в месячный срок разработать порядок и критерии приема в специальные заочные отделения, а также формы трехстороннего договора, и представить в установленном порядке в Кабинет Министров для утверждения.


10. Министерству народного образования Республики Узбекистан совместно с Министерством высшего и среднего специального образования заинтересованными министерствами и ведомствами в месячный срок:

внести в Кабинет Министров Республики Узбекистан предложения по внесению изменений и дополнений в законодательные акты, вытекающих из данного постановления;

привести принятые ими нормативно-правовые акты в соответствие с данным постановлением;

11. Контроль за исполнением настоящего постановления возложить на Премьер-министра Республики Узбекистан Арипова А.Н. и Государственного советника Президента Республики Узбекистан Юнусходжаева А.Н.

Президент
Республики Узбекистан



Ш. Мирзиёев

город Ташкент



Приложение к постановлению
Президента Республики Узбекистан
№ ПП-3183 от 9 августа 2017 года

Перечень
высших образовательных учреждений, в которых организуются специальные
заочные отделения по педагогическим направлениям

1. Ташкентский государственный педагогический университет
имени Низами
2. Андижанский государственный университет
3. Бухарский государственный университет
4. Гулистанский государственный университет
5. Каршинский государственный университет
6. Наманганский государственный университет
7. Самаркандский государственный университет
8. Термезский государственный университет
9. Ургенчский государственный университет
10. Ферганский государственный университет
11. Джизакский государственный педагогический институт
12. Навоийский государственный педагогический институт
13. Нукусский государственный педагогический институт
14. Кокандский государственный педагогический институт
15. Ташкентский областной Чирчикский государственный
педагогический институт

07/1-1926
12.08.2017 й

“ТАСДИҚЛАЙМАН”
Ўзбекистон Республикасининг

Бош вазيري

А. Арипов

2017 йил “12” август

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим муассасаларида педагогика йўналишида махсус сиртки бўлимларни
ташкил этиш тўғрисида” 2017 йил 9 августдаги ПК-3183-сон қарори ижросини таъминлаш юзасидан
НАЗОРАТ РЕЖАСИ

Т/р.	Қарорнинг бандларини амалга ошириш механизми	Ижро муддатлари	Масъул ижрочилар	
			Вазирлик ва идоралардан	Вазирлар Маҳкамасидан
1.	Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Иқтисодий вазирлиги, Молия вазирлиги ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлиқларининг 2017-2018 ўқув йилидан бошлаб олий таълим муассасаларида педагогика йўналишлари бўйича махсус сиртки бўлимларни ташкил этиш тўғрисидаги тақсирларига розилик берилсин. Ижро учун қабул қилинсин.	доимий	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги	А.Джурабаев, Б.Онорбоев, Ш.Далиев, М.Вахобов
2.	Педагогика йўналишлари бўйича махсус сиртки бўлимлар ташкил этиладиган олий таълим муассасалари рўйхати иловага мувофиқ тасдиқлансин. Ижро учун қабул қилинсин ҳамда кенг педагогик жамоатчилига махсус сиртки бўлимлар ташкил этиладиган олий таълим муассасалари тўғрисида	2017 йил 10 августдан бошлаб	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги	А.Джурабаев, Б.Онорбоев, М.Вахобов

маълумотлар етказилсин. Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш бўйича давлат комиссиясига ушбу рўйхатга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳуқуқи берилсин. Ижро учун қабул қилинсин. Хулуфларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастури ҳамда таълим муассасаларининг олий маълумотли мутахассисларга бўлган эhtiёждан келиб чиққан ҳолда таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш рўйхатига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича тақлифлар тайёрлансин.	Ҳар йили 1 майга қадар	Халқ таълими вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар хокимликлари	
3. Бепилаб қўйилсинки: Олий таълим муассасалари таркибида ташкил этилган махсус сиртки бўлимларнинг бакалаврият таълим йўналишларига қабул ўрта махсус, касб-хунар маълумотида ҳамда камида уч йил педагогик амалий иш стажига эга бўлган, мактабгача, мактаб ва мактабдан ташқари таълим муассасалари эhtiёжлари асосида тасарруфидида ушбу таълим муассасалари мавжуд бўлган вазирликлар ва идоралар томонидан бериладиган тавсияномага эга педагог кадрлар ҳисобидан амалга оширилади; махсус сиртки бўлимларнинг бакалаврият таълим йўналишларига ўқиш истагини билдирган талабдорларнинг қуйидаги ҳужжатлари мавжуд бўлганда синовлар ва суҳбатга иштирок этишига руҳсат берилсин: ўрта махсус, касб-хунар маълумотини тасдиқлайдиган диплом; камида уч йил педагогик амалий иш стажига; мактабгача, мактаб ва мактабдан ташқари таълим муассасалари раҳбарининг олий маълумотли мутахассисга эhtiёжи мавжудлиги тўғрисидаги хати; тасарруфидида ушбу таълим муассасалари мавжуд бўлган вазирликлар ва идораларнинг талабдорни ҳужжатларини қабул қилиш бўйича тавсияномаси.	2017 йил 1 сентябрдан бошлаб	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги	А.Джурбаев, Б.Онорбоев, М.Вахобов

Махсус сиртки бўлимларнинг бакалаврият таълим йўналишларига нисбатан кадрларни қабул қилиш тартиби ишлаб чиқилсин ва тасдиқлансин. Махсус сиртки бўлимда ўқиш тўлов-контракт асосида амалга оширилади. Таълим йўналишлари бўйича битта талабани бир йиллик ўқитиш қийматини аниқлаш белгиланган тартибда амалга оширилади. Махсус сиртки бўлимда таълим йўналишлари бўйича бир йиллик ўқитиш қиймати белгилансин.	2017 йил 1 сентябрь	Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Алфия вазирлиги	А.Джурбаев, Б.Онорбоев, М.Вахобов
Махсус сиртки бўлимда ўқиётган талабаларга имтиҳонлар, синовлар тошпириш, диллом, курс, лаборатория ва бошқа ўқув ишларини бажариш вақтида уларнинг ойлик маошлари асосий иш жойида сақланган ҳолда бир ўқув йилида икки марта бир ойдан ўқув тавтишлари берилади. Бунда, ўқув тавтишлари қоида тарикасида умумтаълим муассасаларидаги қишқи ва ёзги таътил вақтига тўғри келган даврда берилади ва уларга белгиланган тартибдаги йиллик меҳнат тавтишларини бериш тартиби ҳам сақланиб қолади. Талабаларнинг олий таълим муассасасида ўқишда бўлган даврита тўғри келадиган дарс соатлари ўқишга юборган таълим муассасасининг ўқитувчилари (ҳодимлари) томонидан меҳнатга соатбай ҳақ тўлаш шартлари асосида ўтйлади. Махсус сиртки бўлимда ўқиётган талабаларга шарт-шароитлар яратиш ва уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.	2017 йил 1 октябрь	Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Алфия вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги	А.Джурбаев, Б.Онорбоев, М.Вахобов

	Махус сиртки бўлим талабалари ўқишга киришда тавсинанома берувчи вазирлик ёки идора, олий таълим муассасаси ва талаба ўртасида ўқишни яқунлагандан кейин тавсинанома берган таъкилот йўлнамасида кўрсатилган иш жойида (таълим муассасасида) беш йилдан кам бўлмаган муддатда ишлаб бериш мажбурияти билан уч томонлама шартнома тузилади. Махус сиртки бўлимларда таълим йўналишлари хусусиятига қараб бир ўқитувчига тўғри келадиган талабалар сони нисбати қонун ҳужжатларида белгиланган нормативлар асосида белгиланади. Махус сиртки бўлимига талабаларни ўқишга қабул қилишда иш берувчи (таълим муассасаси), тавсинанома берувчи вазирлик, идора, олий таълим муассасаси ва талаба ўртасида тузилган шартнома шакли ва тартиби ишлаб чиқилсин ҳамда ўрнатилган тартибда тасдиқлансин. Олий таълим муассасасида махус сиртки бўлим ўқув жараёнини таъкилот этишга факультет декани мақомидати бўлим бошлиғи раҳбарлик қилади. Ижро учун қабул қилинсин. Махус сиртки бўлим ўқув жараёнини таъкилот этиш бўлимининг тегишли норматив ҳужжатлари ишлаб чиқилиб, тасдиқлансин.	2017 йил 30 август	Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махус таълим вазирлиги, Аудия вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги	А.Джўрабаев, Б.Онорбоев, М.Ваҳобов
4.	Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларида ўқишга қабул қилиш бўйича давлат комиссиясида 2017/2018 ўқув йили учун: олий таълим муассасалари махус сиртки бўлимларида ўқиш учун тавсинанома берувчи вазирликлар ва идоралар рўйхатини; мактабча, мактаб ва мактабдан таъкилот таълим муассасалари эҳтиёжлари асосида вазирликлар ва идоралар			

	томонидан берилган тақлифларни инобатга олган ҳолда маҳсус сиртки бўлимларга қабул квоталарини; маҳсус сиртки бўлимларга қабул қилиш тартиби ва мезонлари ҳамда уч томонлама шартнома шаклини тасдиқлаш ҳуқуқи берилсин. Келгуси ўқув йилларига қабул квоталари олий таълим муассасалари учун белгиланган тартибда белгиланади. Ижро учун қабул қилинсин. Таълим муассасалари эҳтиёжлари асосида маҳсус сиртки бўлимларга қабул қилиш тартибига оид тақлифлар ишлаб чиқилиб, Вазирлар Маҳкамасига киритилсин. Олий таълим муассасалари маҳсус сиртки бўлимларига қабул қилиш тартибига оид норматив-ҳуқуқий меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқилисин ва амалиётга жорий этилсин.	2017 йил 20 август	Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги	А.Джўрабаев, Б.Онорбоев, М.Ваҳобов
5.	Педагогика йўналишлари бўйича маҳсус сиртки бўлимлар таълими этилаётган олий таълим муассасаларида иккинчи ва ундан кейинги олий маълумот бериш сиртки таълим шаклида таълими этилсин, бунда иккинчи ва ундан кейинги олий маълумот олиш бакалаврият таълими йўналишининг 2-курсидан (ўқув режалардаги фанлар фарқидан қатъи назар) камидан 3 йил муддат этиб белгилансин. 2017/2018 ўқув йили учун маҳсус сиртки ва сиртки таълимларда ўқув жараёни истисно тариқасида жорий йилнинг 1 октябридан бошланиши белгиланган бўлисин. Ижро учун қабул қилинсин. Маҳсус сиртки бўлимлар таълими этилаётган олий таълим муассасаларида иккинчи ва ундан кейинги олий маълумот бериш сиртки таълим шаклида таълими этиш тартиби ишлаб чиқилисин.	2017 йил 25 август	Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги	А.Джўрабаев, Б.Онорбоев, М.Ваҳобов

6. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ва Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги 2017 йил 30 сентябрга: 2017/2018 ўқув йили учун олий таълим муассасаларининг махсус сиртки бўлимининг 1-курсга талабаларни қабул қилиш масъулияти оширилсин, қабул қилиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилсин. Олий таълим муассасаларининг махсус сиртки бўлимлари ташкил этилган таълим йўналишларининг ўқув режаси ва фан дастурларини тасдиқласин, шунингдек уларга мувофиқ фанларни ўқув адабиётлари билан таъминлаш чораларини кўрсин.	2017 йил 25 август	Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Олий таълим муассасалари	А.Джуробаев, Б.Онорбоев, М.Вахобов
Таълим йўналишларининг ўқув режаси ва фан дастурларини ишлаб чиқилсин ва тасдиқлансин, ўқув адабиётлари билан таъминлаш чора-тадбирлари белгилансин. Педагогика йўналишлари бўйича махсус сиртки бўлимларда дарс беришга юқори салоҳиятга эга профессор-ўқитувчилар таркибини шакллантирсин. Олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари таркибидан махсус сиртки бўлимларда дарс бериш учун юқори касбий маҳоратга эга бўлган вискдонли, ҳалол мутахассислар таркиби шакллантирилсин. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан биргаликда олий таълим муассасалари томонидан тасдиқланган штатлар жадвали, даромадлар ва харажатлар сметасига тегишли ўзгартиришлар киритилиши ва улар белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилишини таъминласин.	2017 йил 25 август-сентябрь	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Олий таълим муассасалари ректорлари	

	Штатлар жадвали, даромадлар ва харажатлар сметасига махсус сиртки бўлимлар ташкил этилишини инобатга олиб тегишли ўзгартиришлар киритилсин ва улар белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилсин.	2017 йил 1 сентябрь	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Молия вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Олий таълим муассасалари ректорлари	А.Джуррабаев, Б.Онорбоев, Ш.Далиев, М.Вахобов
7.	Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети махсус сиртки бўлим таълим йўналишлари бўйича малака талаблари, ўқув режалари ва дастурлари ҳамда ўқув ва ўқув-методик адабиётларни яратиш бўйича таъин олий таълим муассасаси этиб белгилансин ва унинг ҳузурда педагогика йўналишлари бўйича махсус сиртки бўлимлар ташкил этилган олий таълим муассасаларининг ўқув-методик фаолиятини Мувофиқлаштирувчи Кенгаш ташкил қилинсин. Ижро учун қабул қилинсин. Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетида педагогика йўналиши бўйича махсус сиртки бўлимлар ташкил этилган олий таълим муассасаларининг ўқув-методик фаолиятини Мувофиқлаштирувчи Кенгаш ташкил қилинсин. Қўйилгилар Мувофиқлаштирувчи Кенгашнинг асосий вазифалари этиб белгилансин: махсус сиртки бўлимлар орқали умумтаълим мактаблари, мактабгача ва мактабдан ташқари таълим муассасалари учун педагог кадрлар тайёрлаш таълим мазмунни замонавий талабларга уйғун ривожлантирилишини таъминлаш ҳамда мазкур жараёнларга илмий-методик раҳбарликни амалга ошириш. Махсус сиртки бўлимларда педагог кадрлар тайёрлашда таълим мазмунни замонавий талабларга уйғун ривожлантирилишини таъминлаш мақсадида таърибли мутахассислар, амалиётчилар ва профессор-ўқитувчилардан иборат ишчи гуруҳлар шакллантириш ва улар фаолиятини йўлга қўйиш.	2017 йил 10 сентябрь	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети	А.Джуррабаев, Б.Онорбоев, Ш.Далиев, М.Вахобов
	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Молия вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Олий таълим муассасалари ректорлари	2017 йил 1 октябрь	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Молия вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Олий таълим муассасалари ректорлари	А.Джуррабаев, Б.Онорбоев, Ш.Далиев, М.Вахобов

Махсус сиртки бўлимлар ўқув жараёнида илгор хорижий тажриба, замонавий педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этишни ҳисобга олган ҳолда малака талаблари, ўқув режалари ва дастурларини такомиллаштириб бориш. тизимли равишда такомиллаштириб бориш. Инфор хорижий тажриба, замонавий педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этишни ҳисобга олган ҳолда малака талаблари, ўқув режалари ва дастурларини такомиллаштириб бориш тизимини йўлга қўйиш. Махсус сиртки бўлимлар ўқув жараёнида педагогика соҳаси олимлари ва мамлакатимизнинг етуқ мутахассислари жалб этилишини таъкид этиш;	2017 йил 1 сентябрдан бошлаб тизимли равишда Домий	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Республикасидаги Ўқув-тарбия вазирлиги, Тошкент давлат педагогика университети	А.Джуррабаев, Б.Онорбоев, Ш.Далиев, М.Ваҳобов
Махсус сиртки бўлимлар ўқув жараёнида шартнома асосида педагогика соҳаси олимлари ва мамлакатимизнинг етуқ мутахассислари жалб этиш тизимини ишлаб чиқиш ва мониторингини йўлга қўйиш. Педагогика соҳасининг долзарб илмий муаммоларини ҳал этишга йўналтирилган илмий изланишлар, жумладан фундаментал, амалий ва инновацион тадқиқотлар олиб борилишини мувофиқлаштириш; Халқ таълими вазирлигининг буғурмасига асосан таълим муассасаларида ўқув-тарбия жараёнини таъкид этишга оид долзарб илмий муаммоларини ҳал этишга йўналтирилган илмий изланишлар, фундаментал, амалий ва инновацион тадқиқотларни олиб бориш тизимини йўлга қўйиш.	2017 йил 1 сентябрдан бошлаб тизимли равишда 2017 йил 1 октябрдан бошлаб тизимли равишда	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Республикасидаги Ўқув-тарбия вазирлиги, Тошкент давлат педагогика университети	А.Джуррабаев, Б.Онорбоев, Ш.Далиев, М.Ваҳобов

Педагогик касбининг жамиятдаги ўрни ва нуфузини ошириш, жумладан ёшларни ўқитувчилик касбига йўналтиришга қаратилган тадбирларни ташкил этиш. Педагогик касбининг жамиятдаги ўрни ва нуфузини ошириш, ёшларни ўқитувчилик касбига қизиқтиришга қаратилган туркум тадбирларни амалга ошириш. Махсус сиртки бўлимлар фаолият олиб бораётган олий таълим муассасаларининг илмий-педагогик салоҳиятини ошириш, жумладан олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрларни мақсадли тайёрлаш, ҳудудлардаги олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича тизимли чора-тадбирларни амалга ошириш. Махсус сиртки бўлимларда фаолият кўрсатишни учун истиқболли профессор-ўқитувчиларни жалб этиш, уларнинг илмий-педагогик салоҳиятини ошириш, ҳудудлардаги олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.	2017 йил 1 сентябрдан бошлаб Домий 2017 йил 1 сентябрдан бошлаб	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети	А.Джурабаев, Б.Онорбоев, Ш.Далиев, М.Вахобов
8. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва Молия вазирлиги 2017/2018 ўқув йилидан бошлаб Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети томонидан педагогика йўналишлари бўйича махсус сиртки бўлимлар ташкил этилган олий таълим муассасаларини зарур ўқув ва ўқув-методик адабиётлар билан таъминланишини молиялаштиришнинг аниқ чораларини кўрсин. Педагогика йўналишлари бўйича махсус сиртки бўлимлар ташкил этилган олий таълим муассасаларини зарур ўқув ва ўқув-методик адабиётларга бўлган эҳтиёждан келиб чиқиб таъминлаш чоралари белгилансин ва молиялаштирилсин.	2017 йил 1 сентябрдан бошлаб	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Молия вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги	А.Джурабаев, Б.Онорбоев, Ш.Далиев, М.Вахобов

9.	Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги бир ой муддатда махсус сиртки бўлимларга қабул қилиш тартиби, мезонлари ҳамда тузиладиган уч томонлама шартнома шаклини ишлаб чиқиб, белгиланган тартибда тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин. Махсус сиртки бўлимларнинг бакалаврият таълим йўналишларига недаёт қадрларни қабул қилиш тартиби ва мезонлари, тавсйнома берувчи вазирлик ёки идора, олий таълим муассасаси ва талаба ҳамда иш жойи (таълим муассасаси) ўртасида тузиладиган уч томонлама шартнома шакли ишлаб чиқилиш ва ўрнатилган тартибда тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритилсин.			
10.	Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда: конун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсинлар; ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ушбу қарорга мувофиқлаштирсинлар. Қарордан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар бўйича тақлифлар тайёрлансин ва Вазирлар Маҳкамасига тақлим этилсин.	2017 йил 5 сентябрь	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги	А.Джўрабоев, Б.Онорбоев, Ш.Далиев, М.Вахобов